

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент кимё-технология институти



Техника фанлари номзоди, доцент Хабибуллаев Р.А.
Ассистент Содиқова М.Р.

касб таълими йўналиши бакалаврларининг

**«Мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими
методикаси»**

фанидан

Курс ишларини ёзиш ва расмийлаштириш бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2007 й.

Тузувчилар: т.ф.н. Хабибуллаев Р.А.
асс.Содиқова М.Р.

Аннотация

Мазкур методик қўлланма Тошкент кимё-технология институти «Касб таълими» йўналишидаги бакалаврларнинг "Мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими методикаси" фани бўйича бажариладиган курс ишларининг таркиби, мазмуни, расмийлаштирилиши ва ҳимоясига ягона талаблар қўяди. Мазкур фандан курс ишини ёзиш ишчи ўқув режага мувофиқ 8-семестрга мўлжалланган. Ушбу давргача озиқ-оқат ва кимёвий технология мутахассислик кафедраларига тақсимланган талабалар асосий мутахассислик фанларини ўзлаштирган бўладилар ва курс ишини ёзишда ушбу билимлари ас қотади.

Методик қўлланма курс ишларини бажараётган талабалар, шунингдек, курс ишига раҳбарлик қилаётган раҳбар-ўқитувчилар учун мўлжалланган.

"Мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими методикаси" фани бўйича курс иши бажарилишидан асосий мақсад мутахассислик фанларини ўқитиш ва тегишли ўқув жараёнларида вужудга келадиган муаммоли вазиятиларни ҳал қилишга талабаларни тайёрлашдан иборат. Бунда талабалар жорий ва меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилишни, ўқув-услубий ҳужжатлар ва материаллар тайёрлаш, таълим жараёнининг услубий таъминотини ва амалиёт дастурларини режалаш ишларини бажарадилар.

КИРИШ

Вазирликнинг 9.04.1999 даги №113 буйруғи билан Олий таълим классификаторига янгилик киритилди – барча олий ўқув юртларига ўз соҳалари бўйича педагогик йўналишда кадрлар тайёрлаш имконияти берилди. Бу эса, энг аввало, ҳар бир олий ўқув юрти олдига тегишли соҳалар бўйича фаолият кўрсатаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог кадрлар тайёрлаб бериш вазифасини қўйди.

Олий мутахассислик таълимининг сўнгги босқичида «Мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими методикаси» фанидан курс ишини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Техник олий ўқув юртларида курс иши асосан лойиҳавий, конструкторлик, илмий-тадқиқот мавзуларида бўлади. Олий таълимга янги педагогик технологияларнинг кириб келиши янги-янги изланишларни, жумладан педагогик соҳадаги курс ишларининг лойиҳавий, илмий-тадқиқот ва ҳ.к. мавзуларида бўлишини ҳам тақозо қилмоқда.

Корхона учун мутахассиснинг самарали *технологик усуллари*ни қўллай олиши, *маҳсулот сифатини* назорат қилиш усуллари билиши қанчалик муҳим бўлса, касб-ҳунар коллежи учун ҳам ўқитувчининг самарали *ўқитиш усуллари*ни қўллай олиши, *билим сифатини* назорат қилиш усуллари билиши шунчалик муҳимдир. Технологик ишлаб чиқариш ва педагогик таълим-тарбия тизимини бу тарзда таққослаш педагогик фаолиятга аниқлик киритади, шу йўл билан педагогик технологиялар бўйича дидактик-меъёрий кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, таълим жараёнини лойиҳалаш мумкин.

Технологик олий ўқув юртларидаги педагогик йўналиш касбий йўналтирилган таълимни, юксак педагогик маҳоратни ва шахснинг маънавий-ахлоқий тарбиясини назарда тутди.

Касбий таълимнинг фаолият объектлари – ўқувчиларнинг фаолияти, таълим-тарбия жараёни, кимёвий ва озиқ-овқат соҳаларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидир.

Бакалавриятнинг «Касб таълими» йўналишини битириб чиққан талабалар ўз фундаментал, умумкасбий ва махсус тайёргарликларига кўра қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин:

- ўқитувчилик фаолияти (академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тасдиқланган ўқув режалари асосида касбий фан ўқитувчиси);
- тарбиявий фаолият (мактабдан ташқари муассасаларда);
- ўқув-услубий фаолият (Олий ва ўрта-махсус таълим Вазирлигининг методик кабинетларида);
- технологик-ишлаб чиқариш фаолияти (участка ёки цех технологи; участка ёки цех ишини юритиш; хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулот сифатини назорат қилиш; ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ва такомиллаштириш бўйича технологик лойиҳани ишлаб чиқиш; технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш ва ҳ.к.);
- лойиҳавий-технологик фаолият (типовой ва ностандарт ускуна, қурилмаларни лойиҳалаш, лойиҳавий хужжатларни расмийлаштириш ва ҳ.к.);

- илмий-тадқиқот фаолияти (педагогик, психологик, кимёвий, технологик ва озиқ-овқат технологиясига оид изланишларда иштирок этиш).

Педагогик йўналишдаги курс ишини бажаришдан асосий мақсад қуйидагилардир:

- кимё ва озиқ-овқат технологиялари соҳасидаги мавжуд педагогик технологияларни чуқур таҳлил қилиш, янги педагогик технологияларни тадбиқ қилиш имкониятларини излаш;
- кимё ва озиқ-овқат технологиялари соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни беришнинг ўзига ҳос методларини аниқлаш ва излаб топиш;
- таълим йўналиши бўйича назарий, амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян таълим-тарбиявий, техникавий, ишлаб чиқариш вазифаларни ҳал этишда қўллаш;
- ижодий иш юритишда ва ишлаб чиқиладиган масаланинг қўйилиш жараёнидан бошлаб уни тўла ниҳоясига етказишгача бўлган босқичларда қарор қабул қилиш масъулиятини ҳис этишга ўргатиш;
- замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида педагог-бакалаврларни мустақил ишлашга тайёрлашдир.

Талаба ўзининг курс ишида таълим-тарбия жараёнини бошқаришга, таълимнинг техник воситаларидан тўла фойдаланишга, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга, таълим

жараёнини лойиҳалашга, педагогнинг меҳнатини яхшилашга, салбий омилларни камайтиришга алоҳида эътибор бериши зарур. Талаба ишланган ечимни жаҳон талаблари даражасига олиб чиқишга, юқори педагогик, психологик, дидактик, методик ва тарбиявий кўрсаткичларга интилиши лозим. Бунинг учун кўп адабиётлар билан танишиш ва турли инфор­мацион таълим тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1. Курс ишини ёзиш қоидалари.

Курс иши талабаларнинг муайян ўқув фанларини ўрганишдаги якуний босқичидир. Курс ишининг мақсади – талабаларнинг олдида қўйилган масалаларни ечишда назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш; мустақил, ижодий педагогик, илмий-тадқиқот ишларини бажариш кўникмаларини такомиллаштириш, баъзи ҳолларда эса олдинга қўйилган илмий-амалий натижаларни олишдан иборат. Курс иши – ўқитувчи раҳбарлигида талабалар томонидан бажариладиган мустақил иш тури бўлиб, талабанинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, амалий масалаларни ҳал қилишда ўз билимидан моҳирлик билан фойдаланиш малакасини шакллантиришга, битирув ишини бажаришга ва мустақил касбий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилувчи график қисм ва тушунтириш ёзувидан иборат.

Курс иши – илмий-тадқиқот иши элементларини ўзида мужассамлаштирган, ўқитувчи раҳбарлигида умумилмий ва мутахассислик фанларидан бажариладиган талабаларнинг мустақил иш турларидан бири бўлиб, ўз олдида талабаларнинг мустақил ижодий ишлаш малакаси ва кўникмаларини ривожлантиришни, замонавий илмий-тадқиқот усуллари эгаллашларини, бирор бир масалани, фан бўлимининг мавзусини чуқур ўрганишларини мақсад қилиб қўяди.

Курс иши мавзуси кимёвий ва озиқ-овқат технологиялари йўналишлари бўйича таълимнинг замонавий ҳолатини акс эттириши керак.

Педагогик йўналишдаги курс иши уч хил бўлиши мумкин:

- 1) Лойиҳавий мазмундаги курс иши;
- 2) Илмий-назарий мазмундаги курс иши;
- 3) Илмий-амалий мазмундаги курс иши;

2. Курс иши мавзулари. Курс иши учун топшириқ

2.1. Талаба курс ишини кафедра мудири томонидан тайинланган ўқитувчи раҳбарлигида бажаради. Курс иши мавзулари раҳбарлар томонидан ишлаб чиқилади ва курс ишини бошланиш муддатидан камида бир ҳафта олдин кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

2.2. Курс ишининг мавзуси индивидуал ва гуруҳга мўлжалланган бўлиши мумкин.

2.3. Курс ишини бажариш учун талабага курс иши раҳбар-ўқитувчи томонидан тузилган ва кафедра мудири томонидан тасдиқланган индивидуал топшириқ берилади.

ЛОЙИҲАВИЙ МАЗМУНДАГИ КУРС ИШИ

Лойиҳавий мазмундаги курс иши – кимё ва озиқ-овқат соҳалари бўйича янги педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини режалаштириш, лойиҳалаш, самарали ўқитиш методини ишлаб чиқиш, муайян билим, тушунчани етказишнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Лойиҳавий мазмундаги курс ишида қуйидагиларга ўхшаш мавзуларда бажарилиши мумкин:

1. “Микробиология ва биотехнология асослари” фанидан “Микроорганизмларга кимёвий омилларнинг таъсири” мавзуси бўйича дарсни ташкил этиш.
2. “Синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси” фанидан “Акрил ва метакрил кислоталарнинг ҳосилалари асосидаги полимерлар” мавзуси бўйича дарс ўтиш.
3. “Органик моддалар ва нефт маҳсулотларини физик-кимёвий таҳлил қилиш усуллари” фани бўйича “Хроматографик таҳлил усули” мавзусида дарс ўтиш.
4. “Ун ва ёрма технологияси” фани бўйича “Буғдой донида гидротермик ишлов бериш режимларини аниқлаш” мавзусида лаборатория ишини ўтказиш.
5. “Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш” фани бўйича “Рафинацияланмаган форпресс мойини анализ қилиш” мавзуси бўйича лаборатория ишини ўтказиш.
6. “Физик ва коллоид кимё” фани бўйича “Кимёвий реакциялар кинетикаси” мавзусида дарс ўтиш.
7. “Кагор типидagi шароб тайёрлашда мезгага термик ишлов бериш аппаратининг лойиҳаси” мавзусидаги курс лойиҳасини ташкил этиш.
8. “Синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси корхоналарининг жиҳозлари, лойиҳалаш асослари” фани бўйича курс лойиҳасини ташкил қилиш.
9. “Силикат ва қийин суюқланувчан материаллар технологияси” йўналиши бўйича ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш.

Лойиҳавий курс ишининг тушунтириш ёзуви қуйидаги таркиб ва ҳажм бўйича бўлиши тавсия этилади:

1. Титул varaғи (1 varaқ).
2. Курс ишига топширик (1 varaқ).
3. Кириш (1-2 varaқ).
4. Танланган фан бўйича ишчи дастур лойиҳаси (7-8 varaқ)
5. Маъруза ёки амалий машғулот (лаборатория машғулот)ларнинг календар режаси (1 varaқ).
6. Танланган фан бўйича рейтинг жадвали (1 varaқ).

Асосий қисм:

7. Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар таҳлили (1-2 varaқ).
8. Дарс жараёнининг ўқув мақсади, тарбиявий мақсади ва ўқув натижаси (1 varaқ).
9. Танланган мавзунинг дизайнли схемаси (1 varaқ).
10. Дарс режаси (1-2 varaқ).
11. Дарснинг тахминий вақт бўйича тақсимои (2-3 varaқ)..
12. Дарс жараёни баёни (10-12 varaқ).
13. Дарс учун дидактик материаллар тайёрлаш. (1-2 varaқ).
14. Ёчим (2-3 varaқ).
15. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (1 varaқ).
16. Иловалар.

Лойиҳавий мазмундаги курс иши қисмларининг мазмуни:

1. Титул varaғи белгиланган тартибда расмийлаштирилади(1-илова).

2. Курс ишига топшириқ ўқитувчи томонидан берилади (2-илова).
3. «Кириш» қисмида олий таълим соҳасидаги жорий ва янги хужжатлар, уларнинг аҳамияти, мазкур фаннинг қисқа мазмуни ва аҳамияти, курс ишининг ўқув жараёнида тутган ўрни баён қилинади.
4. Фан бўйича ишчи дастур лойиҳаси қуйидаги таркиб асосида тузилади:
 - 4.1. Фанни ўқитишдан мақсад ва унинг вазифалари.
 - 4.2. Талабаларнинг билими, малакаси ва кўникмасига қўйиладиган талаблар.
 - 4.3. Мазкур фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
 - 4.4. Фанни ўқитишда янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши.
 - 4.5. Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг мавзулари (Календар режалари).
 - 4.6. Рейтинг жадвали.
 - 4.7. Жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш мезонлари келтирилади.

5. Маъруза ёки амалий машғулот (лаборатория машғулот)ларнинг календар режалари 3-иловага мувофиқ тузилади. Талаба календар режа тузганда танлаган йўналишнинг ишчи ўқув режасида фанга ажратилган соатларни ҳамда фаннинг боблари, бўлимларининг катта кичиклигини инобатга олган ҳолда маъруза (амалий, лаборатория) машғулотларига соатлар бўйича тўғри тақсимлай олиши керак.

6. Фан бўйича рейтинг жадвали тузиш талабаларнинг «Рейтинг тизимини ҳақидаги Низом» билан ишлаш ҳамда ишчи ўқув режа ва жадваллар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Рейтинг жадвалининг кўриниши 4-иловада берилган.

7. «Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар таҳлили» талаба 2 академик соат миқдорида дарс ўтиши учун ўқитувчининг кўрсатмаси билан техник адабиётдан мавзу танлайди. Мавзу бўйича берилган материални "Insert" методи воситасида тушуниб олади. Нотаниш сўз ва ибораларни аниқлаб "Таянч сўз ва атамалар" рўйхатини тузади. Берилган адабиётни кенгроқ ўрганиб, зурур бўлса бошқа техник адабиётларни ҳам ўрганиб "Таянч сўз ва атамалар"ни изоҳлайди. Талаба материални етарли даражада ўзлаштириб олгач, берилган адабиётдан ёки бошқа адабиётлардан мавзу бўйича қўшимча материал тўплайди. Қўшимча материаллар "Билим ва тушунчалар"ни тўлдириш ва тушунтириш учун мўлжалланган бўлиши керак.

8. «Дарс жараёнининг ўқув мақсади, тарбиявий мақсади ва ўқув натижаси» қисми мавзунини ўқишда таълим берувчи олдига қўйилган аниқ мақсадларни (ўқув мақсади), дарс якунида таълим олувчилар қандай билим ва қўникмаларга эга бўлишларини (ўқув натижа) ҳамда дарс жараёнидаги тарбиявий мақсадларни белгилашдан иборат.

9. Танланган мавзунинг дизайнли схемаси. Педагогнинг муҳим сифатларидан бири – ундаги тасаввур қилиш, фантазиянинг кучлилигидир. Педагог-бакалаврларда бундай қобилиятларни такомиллаштириш мақсадида курс ишида техник матн схемасини

тасвирлашда дизайн ва фантазия элементларидан фойдаланиш талаб қилинади. Матннинг схематик тузилиши дизайнли, кўримли қилиб тасвирланади. Схеманинг ўзидан ҳам мавзуга тегишли мазмунни ўқиш мумкин бўлиши керак.

10. «Дарс режаси» қисмида талаба 2 академик соат миқдоридаги дарс режасини (дарс жараёнида бериладиган маълумотлар кетма-кетлигини) тузади. Бунда дарснинг ташкилий, асосий ва яқунловчи қисмларини қандай ташкил этиши бўлғуси бакалавр-педагогнинг маҳоратига боғлиқ.

11. «Дарснинг вақт тақсимооти». Талаба дарс материални етарли даражада ўзлаштириб олгач, бу материал асосида дарс ўтиши, аудиториядаги талабаларга тушунтариш мақсадида қўлланилиши мумкин бўлган дарс ўтиш методларини танлайди. Дарс материални талабаларга етказиш мақсадида таълим принциплари ва қоидаларини асосида дарс материални қайта ишлайди.

Бунда талаба қайси материални қандай тушунтириш, қандай пайтда талабаларни эшитишга, ёзишга ундаш, қандай пайтда уларни фаоллаштириш, фикрини йўналтириш кераклигини, ҳамда ўқитувчи ва талабаларнинг дарсдаги фаолиятини ифодалайди. Шу билан бирга дарс ўтишдаги вақт тақсимоотини ҳам олдиндан ҳисоблайди. Яъни "Дарс тузилиши ва вақт тақсимооти" жадвалини тўлдиради. Бу жадвалда дарс ўтиш учун вақт тақсимооти ҳам ҳисобланади (5-илова).

12. Курс ишининг «Дарс жараёни баёни» номли бу бўлимида дарс жараёнининг бориши, ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти,

дарсда содир бўлади деб тахмин қилинган воқеа ва ҳодисалар, ўқитувчининг монологи ва диалоглар тўла-тўқис ёзилади. Дарс жараёни баёни «Дарс тузилиши ва вақт тақсимоти» жадвалига мос бўлиши шарт.

Бошқача айтганда, дарс жараёни баёни худди театр асарини сахналаштириш учун ёзилган сценарийга ўхшайди. Яъни «Дарс жараёни баёни» шундай ёзилиши керакки, турли воқеалар, психик ҳолатлар, қўлланилаётган ўқув методларининг самарасини уни ўқиётган одам кўз олдида келтирсин, ўзини худди дарсда ўтиргандек ҳис қилсин.

13. «Дарс учун дидактик материаллар тайёрлаш». Дарс ўтиш жараёнида ўқитувчи турли жадваллар, схемалар, расмлардан плакат тарзида фойдаланади, талабаларнинг билимларини ошириш, чуқурлаштириш учун инвариант тестлардан фойдаланади ва ҳ.к. Шу сабабли талаба ҳам дарс ўтишга тайёрланиш жараёнида турли дидактик материаллар – инвариант тестлар (репродуктив ва продуктив фикрлаш даражасида), қизиқарли жумбоқлар ва шу кабиларни тайёрлайди. Шунингдек талаба дарс ўтиши жараёнида лаборатория анжомларидан фойдаланиб дарс ўтишни ҳам режалаштириши мумкин. Мавзу бўйича назорат дидактик саволлар намуналари илова қисмида келтирилади.

14. «Ечим» қисмида масаланинг ечими қўллашга тайёр ҳолда берилади. Яъни курс ишини натижасидаги хулоса ва қарорлар, янги педагогик технологиянинг қандай интерфаол методларининг қўлланилганлиги ва унинг дарс жараёнидаги самараси, илмий-назарий ишлардаги янгиликларнинг самараси ҳақида сўз юритилади.

15. «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати». Бу бўлимда курс ишини ёзишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

16. «Иловалар» қисмида дарс лойиҳасини тайёрлашда қўлланилган дарслик ёки ўқув қўлланмаларнинг айнан фойдаланган қисмининг матн нусхаси; дарс жараёнида талабаларга тарқатиладиган тарқатма материалларнинг матн нусхаси; дарс жараёнида янги педагогик технологиянинг интерфаол методларидан фойдаланилган усулнинг таърифи ёки таърифи келтирилган адабиётдан матн нусхаси; дарс жараёнига тааллуқли технологик схемалар, графиклар, чизма ёки кўрсатма материалларнинг нусхаси; дарс жараёнида фойдаланилган слайдлар нусхаси ва х.к.лар келтирилади.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАЗМУНДАГИ КУРС ИШИ.

Илмий-назарий мазмундаги курс ишида педагогика соҳасидаги илмий, долзарб муаммо мустақил тадқиқ қилиниб илмий ва адабий маълумотлар орқали кимё ва озиқ-овқат соҳалари мисолида назарий жаҳатдан асослаб берилади.

Асосий қисмнинг мазмуни курс иши мавзуси билан белгиланади. У қуйидагиларга ўхшаш мавзуларда бажарилиши мумкин:

1. Таълим методлари ва уларнинг технологик фанларни ўтишдаги аҳамияти.
2. Педагогик мулоқот ва педагогик бошқариш усуллари.
3. Ўқитувчи монологи, унинг хусусиятлари, қўлланилиши.

4. Дарсда талабалар фаолиятини тўғри ташкил этиш усуллари.
5. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини белгиловчи омиллар ва уларнинг ўқитувчи шахсига боғлиқлиги.
6. Ўқитувчи шахсидаги мавжуд ижобий томонларни кучайтириш усуллари.
7. Ўқув-иш хужжатларини юритиш.
8. Талабаларда техник фикрлашни шакллантириш.
9. Ўқитувчининг нутқи ва ташқи кўриниши.
10. Ўқитувчи – талаба нигоҳида.
11. Дарс жараёнида “фикр билан ишғол қилиш усули”ни қўллаш ва унинг самараси.
12. Дарсда баҳс-мунозараларни ташкил этиш.
13. Мустақил таълимни бошқариш.
14. Таълимда назорат ва баҳолаш турлари, уларнинг ўзига ҳослиги.
15. Ўқувчиларнинг билиш жараёнини такомиллаштириш усуллари.
16. Педагогик муҳитнинг психологик қонуниятлари.
17. Дарсни ташкил этишнинг психологик-педагогик йўналишлари.
18. Дарсни ташкил қилиш усуллари ва турлари.
19. Ўқув гуруҳларида ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш.

Илмий-назарий мазмундаги курс ишининг таркиби ва ҳажми.

Илмий-назарий мазмундаги курс ишининг тушунтириш ёзувини қуйидаги таркиб ва ҳажм бўйича расмийлаштириш тавсия этилади:

1. Титул варағи ва курс иши топишириғи.

2. Мундарижа (1-2 варақ).

3. Кириш (2-4 варақ).

Кириш қисми лойиҳавий курс ишида келтирилган тартиб бўйича ёзилади.

4. Мавзунинг долзарблиги (1-2 варақ);

Мавзуда кўтарилаётган муаммонинг илмий янгилиги, долзарблиги асослаб берилади. Муаммонинг ҳозирги кундаги аҳволи ёритилади. Муаммонинг кимёвий ва озиқ-овқат технологияларини ўқитишдаги илмий-амалий аҳамияти мисоллар ёрдамида очиқ берилади.

5. Асосий қисм (5-10 варақ).

5.1. Адабий шарҳ.

Мазкур муаммо бўйича охириги йиллар ичида қилинган ишлар илмий-ўқув манбалар асосида ёритилади.

5.2. Муаммонинг таҳлили ва унинг кимё ва озиқ-овқат технологияси таълимидаги ечими.

6. Хулосалар (1-2 варақ).

Хулосалар илмий асосда бандма-банд баён қилинади. Ҳар бир хулоса аниқ фикрни ифодалаши, бошқаларидан ажралиб туриши лозим.

7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (1 варақ).

8. Иловалар.

Иловада жадваллар, схемалар, маълумотнома (справочник) материаллари, дастурий хужжатлар келтирилиши мумкин.

График қисмда муаммони ёритувчи, диаграммалар, схемалар, графиклар, жадваллар, расмлар, фотографиялар, турли қонуниятлар

схемаси, меъёрий кўрсаткичлар келтирилиши мумкин. График қисмда 3-4 та чизма берилади.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАЗМУНДАГИ КУРС ИШИ

Илмий-амалий мазмундаги курс ишида таълим соҳасидаги долзарб муаммо бўйича тажрибалар ўтказилиб, илмий манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечими ишлаб чиқилади ва амалда қўллаш учун тавсия этилади.

Илмий-амалий курс иши қуйидагиларга ўхшаш мавзуларда бажарилиши мумкин:

1. Талабанинг вақт бюджети.
2. Талабанинг ёш даври хусусиятлари ва уни таълим-тарбия жараёни билан мувофиқлаштириш.
3. Талаба темпераментидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш.
4. Дарс жараёнида мотивациядан фойдаланиш.
5. Тошкент кимё-технология институтида ўқитиладиган фанлар тизими.
6. Технолог-бакалавр модели ва унинг Тошкент кимё-технология институтида шаклланиши.
7. Ўқув жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
8. “Камёб, нодир ва тарқоқ металллар технологияси” йўналиши бўйича умумқасбий ва мутахассислик фанларининг ўқув-услубий таъминотини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

9. “Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси” йўналиши бўйича умумкасбий ва мутахассислик фанларининг ўқув-услубий таъминотини ўрганиш ва таҳлил қилиш.
10. Ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ижобий муносабатларини шакллантириш.
11. Ўзлаштирувчи талабаларнинг фаолиятлари ва ҳаракатлари.
12. Дарсдаги салбий ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш.
13. Ўқитувчининг дарс жараёнида ўзига нисбатан ишончи ва эркинлиги.
14. Ўқитувчининг маънавий, ватанпарварлик, сиёсий дунёқараши, уларнинг дарс жараёнидаги аҳамияти.
15. Касб-ҳунар коллежларида методик ишларни ташкил қилиш.
16. Касб-ҳунар коллежларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш.
17. Касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш.
18. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий маҳоратини шакллантириш.
19. Кимё ва озиқ-овқат технологияси таълимида ўқитувчи нутқи ва маданияти.

Илмий-амалий мазмундаги курс ишининг таркиби ва ҳажми.

Илмий-амалий мазмундаги курс ишининг тушунтириш ёзуви қуйидаги таркиб ва ҳажм бўйича бўлиши тавсия этилади:

1. Титул varaғи ва курс иши топшириғи;
2. Мундарижа (1 varaқ);
3. Кириш (2 varaқ);

Кириш қисми лойиҳавий битирув малака ишида келтирилган тартиб бўйича ёзилади.

4. Адабий шарҳ (5-10 варақ).

Мазкур муаммо бўйича охириги йиллар ичида қилинган ишлар илмий-ўқув манбалар асосида ёритилади.

5. Мавзунинг долзарблиги (1-2 варақ).

Мавзуда кўтарилаётган муаммонинг илмий янгилиги, долзарблиги асослаб берилади. Муаммонинг ҳозирги кундаги аҳволи ёритилади. Муаммонинг кимёвий ва озиқ-овқат технологияларини ўқитишдаги илмий-амалий аҳамияти мисоллар ёрдамида очиқ берилади.

6. Тадқиқот усуллари.

Амалиётлар давридаги тажриба, кузатишларнинг методлари ёритилади.

7. Асосий қисм.

Амалиётлар давридаги кузатиш натижалари умумлаштирилиб муаммога баҳо берилади.

Адабий шарҳ ҳамда тажрибалар натижаларига асосланган ҳолда муаммонинг ечими ишлаб чиқилади.

8. Муаммонинг ечими ва амалда қўллаш учун тавсиялар.

9. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (2-3 варақ).

10. Иловалар.

Иловада жадваллар, схемалар, маълумотнома (справочник) материаллари, дастурий хужжатлар келтирилиши мумкин.

График қисмда муаммони ёритувчи диаграммалар, схемалар, графиклар, жадваллар, расмлар, фотографиялар, турли қонуниятлар

схемаси, меъёрий кўрсаткичлар келтирилиши мумкин. График қисмида асосий қисм ва муаммонинг ечими бўйича 3-4 та чизма берилади.

3. Курс ишининг расмийлаштирилиши.

3.1. Курс иши ўтказилган илмий-назарий тадқиқот ишлари бўйича хисобот (А4 форматдаги ёзув қоғозида) ва А1 формат варағида ёки слайдларда бажарилган график қисмдан (графиклар, схемалар, тасвирий чизмалар) ташкил топади.

3.2. Курс ишининг матнли қисми қўлёзма усулида тоза, тушунарли, беҳато, варақнинг бир томонида ёки электрон вариантда Times New Roman шрифти, 14 pt, сатрлар орасида 1 интервал оралиқ билан А4 форматда ёзилади; варақ чап томондан 3см, юқори ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 см қолдирилган ҳолда, расмийлаштирилади. Курс ишининг графикли қисми раҳбар билан келишилган ҳолда А1 форматда ёки слайдларда бажарилади.

3.3. Курс ишининг матнли қисми ёзувининг қисм, бўлим, бандлари араб рақамлари билан белгиланади. Бет рақамлари кетма-кет бўлиши шарт. Титул қоғози, топшириқларга бет рақамлари қўйилмайди. Адабиётлардан қўчирилган барча изохловчи матнлар тегишли манбалар (фойдаланилган адабиётлар рўйхати)га кўрсатма берилиши керак.

4. Курс ишининг җимояси.

4.1. Лойиҳада қабул қилинган ҳамма қарорлар ва олинган натижалар учун жавобгарлик шахсан талабанинг зиммасидадир.

4.2. Курс ишининг җимояси кафедра мудирининг томонидан тасдиқланган ҳайъат мажлисида амалга оширилади. Ҳайъат таркибига кафедранинг битта профессори (доценти) ва курс иши раҳбари киришлари шарт. Курс ишининг җимоя қилиш жадвалини кафедрада курс иши бўйича жавобгар шахс тузади ва кафедра мудирининг тасдиқлайди. Ҳимоя санаси талабага белгиланган кундан икки ҳафта олдин билдирилади.

4.3. Ҳимоя оммалаштирилган ҳолда ўтказилади. Бунда талаба бажарилганиш бўйича қисқа (5 минут) маъруза қилади ва ҳайъат аъзолари, җимояда қатнашаётган ўқитувчилар, аспирантлар, кафедра ходимлари ва талабаларнинг саволларига жавоб беради. Саволларга жавоблар аниқ ва лўнда бўлиши керак.

4.4. Ҳимоя натижалари «Курс ишининг баҳолаш мезони» бўйича баҳоланади. Курс ишининг қайдномаси икки нусхада ёзилиб, улардан бири кафедрада сақланади, иккинчиси факультет деканатига топширилади. Рейтинг бали талабанинг синов дафтарчасига курс иши раҳбари имзоси билан тасдиқланиб қўйилади. Курс ишининг белгиланган вақтда лойиҳага тақдим қилмаган ёки узрсиз сабабларга кўра җимоя қилмаган талаба академик қарздор деб ҳисобланади.

4.5. Бажарилган ва җимояланган ишлар кафедранинг хона мудирининг топширилади ва у ерда ўч йил сақланади.

4.6. Курс иши ҳимояси натижалари кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва якуний маълумотлар келтирилган баённома расмийлаштирилади.

4.7. Курс иши мавзулари ва уларнинг мазмуни ҳар йили янгиланиб борилади. Мавзу ва мазмуннинг такрорланиши мумкин эмас.

4.8. Курс иши мавзуси раҳбари мавзунинг илгари такрорланганлиги ёки такомиллаштирилиши бўйича маълумот бериши шарт.

5. Курс ишини баҳолаш мезонлари.

5.1. Курс иши «Рейтинг тизими НИЗОМи»га мувофиқ 100 баллик системада баҳоланади. 55 балдан юқори кўрсаткичга эга талабалар курс ишини топширган ҳисобланадилар.

5.2. Курс ишини қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

Умумий 100 бал. Шундан:

Дарс режаси – 30

1. Дарс режасининг дизайнли схемаси – 10

- дарснинг бўлимлари аниқ акс эттирилган – 3
- озода, рангли расмлар билан тасвирланган – 3
- фантазия – 4

2. Дарс мақсади – 6

- камида 3 та ўқув мақсадлари келтирилган; ўқув мақсади аниқ кўрсатилган (умумий гаплар билан эмас); дарс жараёнига мос – 3

- камида 3 та тарбиявий мақсадлар келтирилган; тарбиявий мақсадлар аниқ кўрсатилган (умумий гаплар билан эмас); дарс жараёнига мос – 3

3. Ўқув натижалари – 10

- натижалар камида 5 та; талабанинг фаолиятида ифодаланган – 5
- аниқ кўрсатилган; дарс жараёнида акс эттирилган – 3
- оригинал натижалар келтирилган – 2

4. Дарс жараёнининг вақт бўйича тақсимланиши – 4

- вақт тақсимооти дарс жараёнига мос келади – 2
- ажратилган вақт мантиққа тўғри келади – 2

Асосий қисм – 40

5. Дарс жараёни – 30

- дарс яхши бошланган – 2
- дарс материални ўқитувчи яхши тушунган – 3
- мотивация мавжуд – 2
- чекиниш юксак маҳорат билан ташкил этилган – 4
- талабалар фаолияти доимо бошқарилган – 4
- мулоқот жонли, мантиқли, мавзуга мос – 4
- кўргазмали қуроллар, техник воситалардан маҳорат билан фойдаланган – 3
- муаммоларни ҳал қилишда талабаларнинг фаоллигидан фойдаланилган – 3
- ўқитувчининг педагогик маҳорати юқори, нутқи яхши - 3
- дарс яхши ниҳояланган - 2

6. Ўқитиш методикаси – 10

- дарс жараёнида ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланган – 4
- мураккаб методикалардан фойдаланилган – 2
- интерфаол методларнинг схемалари келтирилган – 2
- схемаларда ўқув натижалари кўрсатилган – 2

Назорат дидактик материаллар – 15

7. Асосий атама ва тушунчалар изоҳи – 2

- асосий атама ва тушунчалар техник тилда баён қилинган, мазмуни очиқ берилган, камида 5 та атама ёки тушунча ёритилган – 2

8. Назорат материаллари – 8

- сўроқ гап кўринишидаги саволлар – 2
- маълумотни билиш даражасидаги тестлар – 3
- фикрлаш даражасидаги тестлар – 3

9. Техник матн – 5

- фойдаланилган адабиёт келтирилган – 2
- содда, матндаги формула, расм, жадваллардан фойдаланилган – 2
- матн мураккаб ёки хорижий тилда – 1

Талабанинг интилувчанлиги – 10

10. Курс ишининг расмийлаштирилиши – 5

- озода, чиройли ёзувда, рамкалар воситасида расмийлаштирилган – 2
- расмлар, ранглар воситасида расмийлаштирилган – 1
- курс ишининг матнли қисми электрон вариантда ёзилган – 2

11. Талабанинг дарслардаги фаолияти – 5

- давомати яхши – 3
- фаол талаба – 2

12. Курс иши ҳимоясидаги жавоблари – 5

- Талаба нутқи равон, ишнинг асосий мазмунини асослаб берган – 2
- Ҳимоя пайтидаги саволларга тўлиқ жавоб берган – 3

5.3.Талабанинг курс ишидан баҳолаш мезонлари бўйича тўплаган умумий баллари қайдномага қайд этиб қўйилади.

Курс иши титул варағини расмийлаштириш намунаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ»

ФАНИДАН

КУРС ИШИ

Мавзу: _____

Талаба: (шахсий имзо) Ф.И.Ш.

Раҳбар: (шахсий имзо) Ф.И.Ш.

Тошкент – 200_й.

Курс иши топшириғини расмийлаштириш намунаси

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Менежмент ва касб таълими факультети»

«Касб таълими» кафедраси

«Мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими
методикаси» фани

Курс _____ Гуруҳ _____

Талаба _____ га
_____ йўналишдаги**КУРС ИШИГА ТОПШИРИҚ**

Мавзу _____

Ишнинг қисқача асосланиши ва асосий мақсади

Тавсия этиладиган тадқиқот услублари

График бўлим таркиби ва хажми

Асосий адабиётлар рўйхати

Химояга қўйиш муддати _____

Рахбар

(шахсий имзо)

Ф.И.Ш.

Талаба

(шахсий имзо)

Ф.И.Ш.

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (4-курс)**КУЗГИ СЕМЕСТР**

Назорат тури	сентябр				октябр				ноябр				декабр				Балл	Ўтиш бали
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15			
ЖБ (амалий машғулот) 55%																		
ОБ (30 %)																		
ЯБ (15%)																		
ЖАМИ																		

БАҲОРГИ СЕМЕСТР

Назорат тури	дек		январ				феврал					март				апрел			Балл	Ўтиш бали
	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32			
ЖБ (амалий машғулот) 55%																				
ОБ (30 %)																				
ЯБ (15%)																				
ЖАМИ																				

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ (1,2,3-курслар)**КУЗГИ СЕМЕСТР**

Назорат тури	сентябр				октябр				ноябр				декабр					январ				Балл	Ўтиш бали
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21		
ЖБ (амалий машғулот)																		Т	Т				
ОБ (30 %)																		Т	Т				
ЯБ (15%)																		Т	Т				
ЖАМИ																							

БАҲОРГИ СЕМЕСТР

Назорат тури	феврал					март				апрел				май					июн				Балл	Ўтиш бали
	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43		
ЖБ (амалий машғулот)																				-	-	-		
ОБ (30 %)																				-	-	-		
ЯБ (15%)																				-	-	-		
ЖАМИ																				-	-	-		

ДАРС ТУЗИЛИШИ ВА ВАҚТ ТАҚСИМОТИ ЖАДВАЛИ

Дарс босқич-лари	Таълим берувчи фаолияти	Таълим олувчи фаолияти	Ажра-тилган вақт
1. Ташкилий қисм			
2. Асосий қисм			
3. Маънавий-маърифий тадбир			
4. Яқунловчи қисм			

